



ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази

ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

УСЛУБИЙ ҚҮЛЛАНМА

Baktria press
Тошкент — 2020

УЎК 343.235.2

КБК 67.408

П 92

Пулатова, Ш. А.

Зўравонлиқдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш [Матн] : услубий қўлланма / Ш. А. Пулатова, А. Ш. Муродов — Тошкент: Baktria press, 2020. — 56 б.

Тақризчилар: У. Х. Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, хотин-қизлар масалалари бўлими бошлиғи, полковник.

З. Қ. Жаббаров, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиной жазоларни ижро этиш кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Қўлланмада зўравонлиқдан жабрланган шахслар тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, жабрланган шахсларнинг тавсифи, уларнинг ҳулқатвори жабрланувчи бўлишига олиб келиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда зўравонликнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар ёритилган.

Мазкур қўлланма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат тузилма аъзолари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талаба, тингловчи ва курсантлар, ҳуқуқшunosлар, тадқиқотчилар, шунингдек кенг китобхонлар жамоасига мўлжалланган. Қўлланмада 2020 йил январь ойи ҳолатидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳаволалар келтирилган

ISBN 978-9943-6232-5-5

© Ш. А. Пулатова, А. Ш. Муродов, 2020.

© Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, 2020.

© EXХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, 2020.

© Baktria press, 2020.

МУНДАРИЖА

Сүз боши	5
1-боб. Зўравонликнинг таърифи ва қонунчилик	8
1.1. Зўравонлик тушунчаси ва турлари.....	9
1.2. Зўравонликнинг олдини олишга қаратилган халқаро ва миллий қонунчилик.....	14
2. Зўравонлиқдан жабрланган ва зўравонлик содир этган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	20
2-боб. Ички ишлар органларининг хотин-қизларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимидағи ўрни.....	26
2.1. Зўравонлик содир этилганида амалга ошириладиган дастлабки ҳаракатлар	27
2.2. Зўравонлик содир этган ва жабрланган шахс билан ишлашда услубий тавсиялар	32
3-боб. Зўравонликнинг профилактикаси ҳамда уни содир этувчи шахслар билан ишларни ташкил этиш.....	36
3. Зўравонликнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари	37
3.1. Зўравонликнинг виктимологик профилактикаси бўйича чора-тадбирлар.....	37
3.2. Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси самарадорлигини ошириш йўллари.....	38

3.3. Оилада зўравонликнинг профилактикаси	40
4. Зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан ишлаш.	42
4.1. Зўравонликнинг олдини олишнинг умумий чора-тадбирлари ..	44
4.2. Зўравонликнинг олдини олишнинг маҳсус чора-тадбирлари ...	47
4.3. Зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар.....	50
4.4. Зўравонликнинг олдини олишга доир виктимологик чора-тадбирлар.....	52
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	54

Сўз боши

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини таомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ нотинч оиласлар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратта олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси¹ каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаoliyatiga илғор иш усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни барваҳт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик ташкил этишни тақозо этади.



Бугунги кунда ҳудудларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаб-

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., № 6., 70-модда.

лари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадор-лигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-автор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиласидиган омиллар оиласидаги муҳит таъсирида юзага келади. Зоро, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиласидаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим рол ўйнайди.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оиласидан шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасдан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тухматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: “Оила-ларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда”² деган фикрлари мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ички ишлар органлари ходимлари тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишда биринчи бўғинлардан бири бўлиб, ходимларнинг малакаси ва зўравонлик содир этилган ҳолларда амалга оширилган дастлабки ҳаракатлари катта аҳамиятга эгадир. Зўравонлиқдан жабрланган аёлнинг профилактика инспектори давлат ҳимоясини таъминлай беришига бўлган ишончига келгуси ҳаракатлари боғлиқ

² Мирзиёев Ш. М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи. — Т., 2017 йил. 16 июнь.

Мазкур қўлланма шахсларни зўравонлиқдан жабрланишини олдини олиш ва уларга ижтимоий, хуқуқий, руҳий, тиббий ёрдам қўрсатишнинг тартиби, ушбу турдаги хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва унинг самарали профилактикаси бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қиласди.

1-БОБ

**ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ТАЪРИФИ
ВА ҚОНУНЧИЛИК**

1.1. ЗЎРАВОНЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг teng, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги”³ эътироф этилган.

Зўравонлиқдан эркаклар ҳам жабрланиши мумкин, лекин хотин-қизларнинг зўравонлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқорилиги, зўравонлик турлари, оғирлик даражаси ва келиб чиқадиган оқибатлар кескин фарқланишини инобатга олган ҳолда, сўнгги ислоҳотлар айнан уларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Мазкур муаммо (латентлиги)нинг юқорилиги шундаки, жабрланувчилар ўзларига етказилган зарарни нормал ҳаёт деб тушуниши, оиласининг сири овоза бўлиб кетмаслиги ёки оила бузилиб кетмаслиги, ота-онаси ёхуд турмуш ўртоғининг обрўсини тўқмаслик учун ҳеч қаерга мурожаат қилмайдилар.

Зўравонликнинг кўринишлари турлича бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунида зўравонликнинг тўрт асосий тури белгиланган.

³ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь)/ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси// <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

Жисмоний зўравонликка қуийдагиларни киритиши мумкин:

- шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш;
- зарб билан итариб юбориш;
- турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш;
- қурол билан хавф солиш ёки яралаш;
- уйдан чиқишига жисмонан йўл қўймаслик;
- кечаси ухлашга қўймаслик ва бошқа.

Руҳий зўравонликка қуийдагиларни киритиши мумкин:

- ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик;
- унинг фикрлари устидан қулиш;
- жазо чораси сифатида жабрланувчининг ҳиссиётларига эътибор бермаслик;

2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси "Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги"ги Қонуни

Жисмоний зўравонлик

Оғирлиги турли даражада бўлгандан тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқук-бузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини кўллаш билан таҳдид қилиш

Руҳий зўравонлик

Хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, репродуктив соҳада назорат қилиш, ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соглиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик)

Жинсий зўравонлик

Хотин-қизларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсиидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш

Иқтисодий зўравонлик

Хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)

- ёлғон сўзлар айтиб, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш;
- унинг дўстлари ва қариндошларига хавф етказаман деб қўрқитиш ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик;
- жабрланувчи билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш;
- қариндош-уруғлар орасида шарманда қилиш;
- уйдан кетишини айтиб қўрқитиш;
- касал ёки ҳомиладор бўлганда унга ёрдам беришдан бош тортиш, тиббий ёрдам олишига қаршилик кўрсатиш;
- доимий равишда танқид қилиш, хафа қилиш, ғазабга келтириш, яъни (сен жуда семизсан ёки озғинсан, ахмоқсан, энг бўлмағур онасан, тўшакда бўлмағур шериксан) ва ҳоказо.

Жинсий зўравонлика қўйидагиларни киритиш мумкин:

- эркакнинг аёли билан фақат жинсий объект сингари муомала қилиши;
- жинсий алоқадан бош тортиш ёхуд аёлга мулойимлик қилмаслик;
- жинсий алоқа қилишда мажбурий хатти-ҳаракатлар қилдириш;
- жинсий алоқани ўта шафқатсизлик билан амалга ошириш;
- зўрлаш йўли билан жинсий алоқа қилишга киришиш;
- аввал қалтаклаб, кейин жинсий алоқа қилиш;
- порнографик кўринишдаги бузуқ хатти-ҳаракатларни кўришга ёки тақрорлашга мажбуrlаш;
- доимий равишда ҳаммага рашқ қилиш ва кимлар биландир зино-корлиқда айблаш ва ҳоказо.

Иқтисодий зўравонлика қўйидагиларни киритиш мумкин:

- бирламчи эҳтиёжлари (озик-овқат, кийим-кечак, дори) учун асоссиз пул бермаслик;
- ўй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш;
- таълим олиш ва меҳнат қилишга рухсат бермаслик;
- қанча пул сарфлашини назорат қилиш;
- ўзи топган пулни тасарруф этишга йўл қўймаслик;
- оила бюджетидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ҳ.к. ҳаракат (ҳаракатсизлик)да намоён бўлади.

Бугунги кунда кенг тарқалган зўравонликнинг яна бир тури — кибер зўравонлик. Зўравонликнинг ушбу тури интернет орқали мутассил

давом этувчи, тақрорий ва узоқ вақт давомида бироннинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширишда ифодаланади.

Руҳий зўравонлиқдан зулм ўтказаётган шахс анонимлиги, Интернет орқали ёқимсиз хабарлар туну кун кенг оммага тарқалиши билан фарқланиб, жабрланувчига ғоят катта азоб-уқубат келтириши билан кескин фарқланади. Интернет тармоғидан фойдаланиб, иш ёки ўқиш жойи, оилада турли хил ҳақоратлар, тұхмат, таъна, миш-мишлар, уйдирма хабарлар тарқатишида ифодаланади. Шунингдек, Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали инсонинг руҳиятига қаттиқ таъсир этувчи, уни изтиробга солувчи бешафқат муносабат ва зўравонлик саҳналарини намойиш этишни ҳам шахсга бўлган зўравонлик, деб эътироф этишимиз мумкин.

Оилада содир этиладиган зўравонлик иш жойидаги ва таълим муассасаларида содир этилган қилмишлардан **ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради:**

Зўравон шахс жабрланувчини тўлиқ назорат эта олади, жабрланувчи зўравондан қочиши ва хавфсиз қолишининг имкони йўқ;


Зўравонлик бир шахснинг бошқа шахсга нисбатан устунлик қилиш ва уни назорат қилиш мақсадида содир этилади;

Деярли барча оила аъзолари зўравонлиқдан жабр чекадилар;

Зўравон шахс ва жабрланувчи ўртасида эмоционал боғлиқлик мавжуд. Жабрланувчи зўравонга нисбатан кучли эмоционал қарамликни ҳис этиши ва учинчи шахс ёрдам бермоқчи бўлганида зўравоннинг ёнини олиши мумкин. Жабрланувчининг бундай хулқ-атвори психологияда «Стокгольм синдроми» номи билан машҳур;

Жамият аъзолари оила ишига аралашишни хоҳламайдилар ва жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам оиласидаги вазият ҳақида сукут сақлашни афзал биладилар;

Оилада содир этилган зўравонлик даврий характерга эгадир. Доктор Ленор Уолкер назариясига кўра, оиласий зўравонлик тўрт босқичдан иборат бўлган ва тақрорланиши ортиб борадиган ҳаракатлар циклидан иборат.



1. Ошада кескинликнинг оishiwi. Оила аъзолари ўртасида муносабатлар ўзгариб, норозиликнинг кучайиши ошади. Жабрланувчи зўравонни тинчлантиришига ҳаракат қиласди.
2. Зўравонлик содир этилиши. Руҳий, жисмоний ёки бошқа турдаги зўравонлик авж олиб, қаттиқ газаб, таҳдид, кўрқитиш билан биргаликда амалга оширилади.
3. Яраиши даври. Зўравон узр сўраб, зўравонлик содир этганлиги сабабини тушунтиради, айни жабрланувчининг ўзига тўнкайди. Баъзан содир этилган зўравонликни инкор этиб, жабрланувчини ўзи бўрттириб юборганиликда айблайди.
4. Муносабатлардаги тинчлик даври ("асал ойи"). Зўравонлик вазияти унтуилиб, зўравон кечирилган. Низодан аввалги муносабатлар қайтади, кейинги низолар бошлангунга қадар, "асал ойи" бошланади.

1.2. ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Бугунги кунда хотин-қизларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш борасида жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазийк ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш учун чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда хотин-қизларни зўравонлиқдан ҳимоя қилишга оид бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда шахсни зўравонликтардан, шу жумладан оилада содир этиладиган жиноий зўравонликтардан ҳимоя қилиш механизми мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро келишув ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро келишув оилани жамият асосидаги гурӯҳ деб тан олади⁴ ҳамда шахсни оиладаги зўравонликлардан ҳимоя қиласи.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси

1948 йил

Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида Конвенция

1960 йил

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт

1966 йил

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида
Халқаро пакт

1966 йил

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW)

1979 йил

Пекин декларацияси ва Харакатлар Платформаси

1995 йил

Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция

1989 йил

4 Болаларга нисбатан зўравонлиқ бўйича бутунжаҳон ҳисботи. — Т., 2009. — Б. 61.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунчилик барча иштирокчи давлатлар учун, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

Миллий қонунчилигимизда ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устуворлик касб этади. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: “Ҳеч кимнинг қийиноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикқа дучор этилиши мумкин эмас”, деб қайд этилган.

Сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, илгари “ёпиқ” бўлган зўравонлик мавзусини кенг ёритиш имконини берди. Ички ишлар органларининг зўравонликка қарши қурашдаги фаолиятларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосан қўйидагилардан, яъни:

Ўзбекистон Республикаси қонулари:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;
- 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;
- 2014 йил 14 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;
- 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни;
- 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазийик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни;
- 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат хукуqlари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сонли “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февраль кунидаги “Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 60-сон қарори
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазиيқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизи-

мини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон Қарори ва бошқа ҳужжатлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунининг⁵ мақсади хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчи етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади

Қонуннинг 23-моддасида тегишли ҳудудда тазийқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазийқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан **24 соат ичида ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача** бериши белгиланган.

Қонуннинг 26-моддаси билан ҳимоя ордерида қайд этилувчи чекловлар белгиланган.



5 Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни // <https://lex.uz/docs/4494709#4495412>

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14-моддасида никоҳ тузиш ихтиёрийлиги, 19-моддасида эса, эр ва хотин оиласида тенг хуқуқлардан фойдаланиши ва улар тенг мажбуриятларга эга эканлиги қайд этилган⁶. 79-моддасида эса, ота-оналик хуқуқини сунистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса; ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида зўравонликнинг турлари учун жавобгарлик белгиловчи нормалар мавжуд.



Тұхмат (40-модда)



Ҳақорат (41-модда)



Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш
борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (47-модда)



Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини
бузиш (47³-модда)



Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий
таъминлашдан бўйин товлаш (47⁴-модда)



Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин
товлаш (47⁵-модда)



Васийлик хуқуқини сунистеъмол қилиш (48-модда)



Енгил тан жароҳати етказиш (52-модда)

Зўравонлик йўли билан содир этиладиган жиноий қилмишлар амалдаги Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида белгиланган жазоларни қўллаш таҳди迪 билан тақиқланган.

6 Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси// <https://lex.uz/docs/104720#158601>

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси ва қадр-қимматини поймол этиш ва унга тажовуз қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ярашув институти қўлланилмайди	Жабрланувчи билан ярашганинг муносабати билан жиноий жавобгарлиқдан озод қилиниши белгиланган
Қасддан одам ўлдириш (97-модда)	Қасддан баданга ўртача шикаст етказиш (105-модда)
Кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида қасддан одам ўлдириш (98-модда)	Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача шикаст етказиш (106-модда)
Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (99-модда)	Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (107-модда)
Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (100-модда)	Қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-модда)
Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда)	Қийнаш (110-модда)
Қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда)	Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (111-модда)
Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда)	Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишида туширишга мажбурлаш (115-модда)
Жиноий равишида ҳомила тушириш, аборт (114-модда)	Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш (121-модда 1-қисми)
Номусга тегиш (118-модда)	Вояга етмаган шахсни ғайрииқтимоий хатти-ҳаракатларгажалб қилиш (127-модда)
Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усолда қондириш (119-модда)	Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўскинлик қилиш (136-модда)
Кўп хотинли бўлиш (126-модда)	Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (123-модда)
Вояга етмаган шахсни ғайрииқтимоий хатти-ҳаракатларгажалб қилиш (127-модда)	Туҳмат (139-модда)
Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқҳаракатлар қилиш (129-модда)	Хақорат қилиш (140-модда)
Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-модда)	
Зўрлик ишлатиб ғайритабиий равишида озодликдан маҳрум қилиш (138-модда)	

Амалиётда кўп ҳолларда, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсни қандай бўлмасин яраштириш учун ҳатти-ҳаракатлар қилиш ҳолатлари қўплаб учрамоқда. Айниқса, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган тухмат ва ҳақорат қилиш ҳолати бўйича қўзғатилган маъмурий ишлар судгача етиб бормасдан, ариза берган тарафни ўз аризасини қайтариб олишга ундаш ёки яраштириш билан якунлаш ҳолатлари ҳам мавжуд. Афсуски, бундай ҳолатларнинг мавжудлиги оила турмуш доирасидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг латентлик даражаси ошиб кетиши ҳамда тақрорланишига олиб қелмоқда. Натижада айрим ҳуқуқбузар шахслар содир этган ҳатти-ҳаракатлари учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмасдан колмоқда.

Ўз хизматлари юзасидан ички ишлар органлари ходимлари тўғридан-тўғри жабрланувчилар ва ҳуқуқбузарлар билан тўқнашиб, зўравонликнинг гувоҳи бўладилар. Уларнинг малакали ёрдам кўрсатишлари, айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишига жабрланувчининг кейинги тақдири ва ҳаёти боғлиқдир.

2. ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ВА ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зўравонлиқдан жабрланган шахслар хулқ-атворининг таҳлили натижасида унинг қуийдаги хусусиятларга эга эканлиги:

- жабрланувчига одамовилик, камгаплик хос бўлиб, оила аъзолари ва яқинлари билан мулоқот қилишни истамаслиги;
- ўзига паст баҳо бериш, шаъни, қадр-қиммати камситилганлиги юзасидан чуқур изтиробга берилиши;
- қўрқув ва хавотирдалиги сабабли ноиложиззлик ҳиссиётларини намоён этиши;
- ўзининг ташқи кўриниши, табиий эҳтиёжларига бепарво бўлиб, тез-тез ўз жонига қасд қилиш тўғрисида фикрлаши ёки ўз ҳаётига суюқасд қилишга ҳаракат қилиши;


- овқат емаслиги ёки ҳаддан зиёд истеъмол қилиши, спиртли ичимликлар, гиёхванд/захарванд моддалар истеъмол қилишни хоҳлаши;
- мулокот пайтида қўзларини олиб қочиши, қўз ёш тўкиши, одамларга ишончсизлик билан муносабатда бўлиши;
- ўз фарзандларига нисбатан лоқайд ёки тажовузкор муносабатда бўлиши аниқланди.

Зўравонлик содир этилиш эҳтимолидан дарак берувчи аломатлар:

- зўравонлик тушунчаси ва турлари ҳақида маълумотга эга эмаслик;
- хотира ва ақлий фаолият сустлиги, ногиронлик;
- бошқа шахсдан моддий ва бошқа қарамлиқ, кўркув мавжудлиги;
- ҳеч ким ёрдам бера олмаслиги тўғрисидаги фикрнинг муқаррарлиги;
- келиб чиқишини тушунтириб беролмаган турли тан жароҳатларининг мавжудлиги;
- қўй ва юз ва тананинг бошқа қисмидаги шилиниш, кесиш, тилиниш, куйиш, тишланган жойлар;
- кийим остида яширинаётган тан жароҳатлари;
- юқори хавотир, бош оғриғи;
- спиртли ичимликлар/гиёхванд моддаларга ружу қўйиш.

Болалар ва кекса ёшдаги шахслар худди аёллар сингари зўравонликнинг қурбони бўлиш эҳтимоли юқоридир.

Кўп ҳолларда айнан оиладаги зўравонликдан жабрланган шахслар ўзларига етказилган зарар ҳақида ички ишлар органлари ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилишмайди. Бу қўпинча аёлларда қузатилади. Суд-тергов идораларидан олинган маълумотлар ўрганилганида, аёлларга нисбатан эри томонидан зўравонлик ишлатилган тақдирда ҳам бу ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмасликка, шундай ҳолатларни яширишга ёки тиббиёт муасссаларига мурожаат қилган тақдирда ҳам олган тан жароҳатини ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида олганлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Бунинг асосий сабабини, аёлларнинг оиланинг бузилиб кетишидан қўрқиши, оила сирини ташқарига чиқармасликка интилиши деб изоҳлаш мумкин.



Оилада юзага келган низони бартараф этишда жабрланувчининг ожиз ахволда эканлиги унинг жабрланишига шароит яратади.

Кўп ҳолларда жабрланувчилар ўзининг салбий хулқ-атвори, ахлоқи, маънавиятсизлигини намоён қилиб, жиноятнинг жабрланувчисига айланади. Бунинг асосий сабаби жабрланувчининг виктим (иғвогар) хулқ-атворидир.

1967 й.т. фуқаро А. ўзининг уйида турмуш ўртоги Рга “нума сабабдан кўчада юрибсан, уйда ўтиранг бўлмайдими?” деб сўраган вақтида, турмуш ўртоги унга “сен ҳам уйда ўтирасдан бозор қилиб келмайсанми?” деб турмуш ўртогининг шахсиятига тегадиган сўзларни айттиб, у билан тортишиши натижасида фуқаро А. турмуш ўртоги Рни қаттиқ предмет билан танасининг турли жойларига уриб шикаст етказган. Наманган вилояят СТЭбининг №2282|2149-сонли холосасига кўра Рни соглигини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказилган

Суд-тергов амалиётида, кўп ҳолларда шахс оиладаги зўравонликдан жабрланган, ҳақоратланган, калтакланган, камситилган ва таҳқирланган тақдирда ҳам айбдорнинг суд ёки тергов муҳокамаси жараёнида жиноий жавобгарликка тортилишини истамаганлиги ёхуд жиноят иши қўзғатилган тақдирда ҳам уни кечирганлигини қўриш мумкин. Бунга қуйидаги мисолни далил сифатида кўрсатиш мумкин.

1981 йилда тугилган, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, маълумоти ўрта фуқаро М. ўзининг уйида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, алкоголдан маст ҳолатда турмуш ўртоги фуқаро Б.ни асосиз рашик қилиб унинг сочидан тортиб, бош қисми ва танасининг турли жойларига уриб унга шикаст етказган. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Б.ни соглигининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати олганлиги кўрсатилган. Аммо, суд жараёнида фуқаро Б. эрининг ҳатти-ҳарракатларини кечирганлиги, ҳозирда ўзаро ярашиб олганликларини, ҳозирда ўрталарида ҳеч қандай низо ўйқулиги тўғрисида таъкидлаб, ишни ярашув асосида тугатишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси бўйича судларда кўрилган ишларнинг 76,3% тарафлар ярашганлиги сабабли жиноят ишлари тугатилган. Модомики, жиноят ишини тугатишнинг имкони бўлмаган бўлса, жабрланувчи дастлабки тергов ва суд муҳокамаси пайтида айбдорнинг айбини юмшатишга, ҳатто содир этилган жиноятни тўла инкор этишга ҳаракат қилиб, оиласининг бузилиб кетишини сақлаб қолишига ҳаракат қилган.

Жабрланувчининг айбдор билан ярашиши мотивлари: айбдорнинг жиноят содир этганидан кейинги ҳулқи, етказилган заарни қоплаганлиги, ўзига яқин инсон бўлганлиги, раҳм қилиши, дўстлик, ҳамкорлик ва ҳ.к.

Зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворига хос психологияк хусусиятлар:

- зўравоннинг тажовузкор ҳулқи дарҳол юзага келиб, ўз талабарининг бажаришларини хоҳлайди;
- ўз жаҳлени бошқара олмайди, психологик зўриқиши пайтида ўзини назорат қилмайди;
- хавотирлик ва асабийлик ҳолатини бошқара олмаслиги, тажовузкор хулқ-атворига сабабчи бўлади;
- ўз айбини тан олмасдан, бошқаларга юклайди ва ўзини “жабрланувчи” деб эътироф этади. Содир этган қилмишининг оқибатларини англамайди;
- ҳар қандай танқидни қўтара олмайди ва ўзи содир этган қилмишни хуқуқбузарлик эканлигини тан олмайди. Ўзини оқлашга ҳаракат қиласди;
- мулоқот давомида ҳеч кимга меҳр-шафқат кўрсатмайди ва мулоқотдан ўзини олиб қочади;
- спиртли ичимликлар/гиёхванд моддаларни суиистеъмол қилиши унинг тажовузкорлигини янада оширади;
- бегоналар олдида ўзини яхши томондан кўрсатиб беришга ҳаракат қиласди.

Суд-тергов амалиёти ва суд архиви материаллари таҳлил қилинганида, ушбу тоифадаги шахсларнинг асосий қисмини илгари судланган, ишсиз, спиртли ичимлик ва гиёхвандликка ружу қўйган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, маълумот даражаси юқори бўлмаган шахслар ташкил этди.



2-БОБ

**ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИНИНГ
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ
ЗҮРАВОНЛИКДАН
ҲИМОЯ ҚИЛИШ
ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ**

2.1. ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТИЛГАНИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ДАСТЛАБКИ ҲАРАКАТЛАР

Зўравонликни олдини олиш ва зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш жараёни давомида ички ишлар ходимлари жабрланувчининг хавфсизлигини ва ҳимоясини таъминлаши, унга зарур ёрдам кўрсатиши ва йўналтириши, маълумот алмашинишини ва барча босқичларларни мувофиқлаштириб **бориши зарур**.



Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, ички ишлар органининг масъул ходими шу жумладан электрон шаклдаги жиноятлар, бошқа ҳукуқ-бузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича **ўз вақтида чоралар кўриши шарт**.

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси навбатчилик қисмига телефон орқали жисмоний ёки юридик шахслар, ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан тазийқ ва (ёки) **зўравонлик бўйича хабар келиб тушганда навбатчи ходим**:

- зудлик билан ушбу хабарни навбатчилик қисмидаги “Шакл-2” китобига қайд этади;

- зўравонлик содир этилган жойи ва вақти;
- хабар берувчининг шахсияти ва исм-шариfinи;
- ҳолатни қисқача аниқлаши;
- жабрланувчилар мавжудлигини ҳамда тиббий ёрдамга эҳтиёжни;
- зўравонлик содир этган шахс қаердалигини;
- зўравонлик содир этишда қурол қўлланилганлигини;
- зўравонлик содир этган шахс қандай ҳолатда бўлганини (спиртли ичимликлар/гиёхванд моддалар истеъмол қилганлигини аниқлаши лозим.
- ҳудуд профилактика инспектори билан дарҳол рация ёки телефон орқали боғланиб, уни ҳодиса жойига зудлик билан етиб боришини ҳамда низони бартараф этиш чорасини кўриши юзасидан топшириқ беради;
- навбатчилик қисмига телиб тушган хабарнинг мазмун-моҳияти ҳақида туман-шаҳар ИИОФМБ раҳбариятига оғзаки ахборот беради;
- муутазам равишда ҳолат юзасидан профилактика инспектори билан телефон ёки рация орқали боғланиб, ҳодиса ҳақидаги маълумотларни олиб туради, шунингдек зарур ҳолларда қўшимча куч ва воситаларни жалб этилишини таъминлайди.

Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганларга давлат ҳимоясини тақдим этиш мақсадида ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (кatta) инспектори томонидан ҳимоя ордери берилади.

Муддати	Профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган ишлар
Тазийқ ёки зўравонлик содир этган пайтдан бошлаб 24 соат мобайнида	Ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар/хабарларни ўрганиш якуни бўйича: тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини расмийлаштиради; тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда — қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилаб, бу ҳақда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари иштироқида далолатномани расмийлаштиради;

	жиноят белгилари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади
Ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда	Ҳимоя ордери берилгани ҳақида тегишли туман (шахар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шахар) ички ишлар бошқармаси (бўйими)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйими (бўлинмаси, гурӯҳи) бошлигини хабардор қиласди
Ҳимоя ордери амал қилиши даврида	Ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қиласди ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради

Ички ишлар органларининг қишлоқ, овул ва маҳаллаларда жойлашган таянч пунктлари ва бевосита профилактика инспекторига фуқаролар томонидан оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик бўйича хабар келиб тушганда:

- агар фуқаролар ички ишлар органи таянч пунктига келиб оғзаки равишда хабар берганда уни “фуқароларни қабул қилиш китоби”га қайд этади ва бу ҳақда навбатчилик қисмига телефон ёки рация орқали келиб тушган хабар юзасидан ахборот бериб, ҳодиса содир бўлган жойга ваколатли мутахассис билан биргалиқда етиб боради;
- ҳодиса жойига етиб борганда ҳақиқатан ҳам ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки этилаётган бўлса низони тўхтатиш чорасини кўради. Низолашган оила аъзолари билан профилактик сұхбат ўтказади, агар зарурат туғилса уларни ички ишлар органлари таянч пунктига олиб келиш чораларини кўради;
- содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганади, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлайди, хусусан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланса маъмурий процессуал хужжатлар расмийлаштиради ёхуд жиноят аломатлари аниқланса, унда навбатчилик

Ички ишлар органи ходими ушлаб турилган шахсга:

- адвокатга ёки яқин қарндошига телефон орқали қўнгироқ қилиш ёки хабар бериш;
- ҳимоячига эга бўлиш;
- кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;
- берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт.

Ички ишлар органи ходими ўзини таништириши ва ушланадиган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 224-моддаси

қисмига хабар бериб ҳодиса содир бўлган жойига тергов-тезкор гурухини юборилишини ташкил этади;

- агар ҳуқуқбузарликлар натижасида тан жароҳати етказиш ҳолатлари аниқланса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўради, зарурат мавжуд бўлса тиббиёт хизматига хабар бериб, уларни етиб келиши чораларини кўради;
- ҳодиса содир этилган жойда амалга оширилган ишлар ҳақида навбатчилик қисмига телефон ёки рация орқали маълумот, шунингдек туман-шаҳар ИИОФМБ бошлиғига бу ҳақда билдирги орқали ахборот беради.



Қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг фармойишлари ва ички буйруқларининг талабига кўра, **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МАСЪУЛ ХОДИМИ ҲОДИСА ЖОЙИГА ЕТИБ КЕЛГАНИДАН СҮНГ, ҚУЙИДАГИ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИЛАР:**

- зўравонлик содир этган ва ундан жабр кўрган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;
- ҳодиса содир бўлган жойни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ва бу ҳақда баённома тузиш;
- зарурият бўлганида, зўравонлик содир этган шахсдан ғайрихуқукий ҳаракатларини тўхтатишини талаб қилиш ҳамда унинг хатти-ҳаракатлари оқибатлари ҳақида огоҳлантириш;
- ҳодиса гувоҳи бўлган шахсларни аниқлаш;
- зўравонлик содир этишда гумонланаётган шахса қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида бўлса, уни шахсий тинтуб қилиш ва олиб қўйиш ўтказиш мумкин;
- зўравонлик содир этишда гумонланаётган шахсга у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдиришлари ва ундан яқин орадаги ички ишлар органига бирга боришини талаб қилиши шарт;
- қўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва бу ҳақда баённома тузиш;
- хавф ёки таҳдид остида қолаётган оила, жамоа аъзоларини хавф-сизлигини таъминлаш чораларини кўриш;
- зўравонлик содир бўлишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;
- руҳий ҳолати бузилган ёки сурункали ичкиликбозлик, гиёхвандликка дучор бўлган шахсларга нисбатан мажбурий даволаш чораларини қўллаш;
- жабрланувчидатан жароҳатлари аломатлари мавжуд бўлганида, тегишли чоралар кўрилиб, дарҳол суд-тиббий экспертизага йўналтирилади;
- йиғилган дастлабки материалларни ички ишлар органининг навбатчи қисмига рўйхатга олиш учун тақдим этиш ва зўравонга нисбатан қонуний чора кўриш;

- тазиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини расмийлаштириш зарур.

Қайта йўналтириш

- жабрланган шахс ҳолатини баҳолаш орқали қандай ёрдамга муҳтож эканлигини аниқлаш;
- жабрланган шахсга бошқа хизматлардан фойдаланиши мумкинлиги тушунтириш ва йўналтиришдан аввал унинг розилигини олиш;
- жабрланган шахсларга хавфсиз бошпана зарур бўлганида, уларга бу ҳақда маслаҳат бериш ва жойлаштириш;
- жабрланган шахснинг жисмоний/жинсий зўравонлик аломатлари яққол сезилиб турган бўлса, зарур тиббий ёки психологияк ёрдам олаётганлигини аниқлаштириш;
- бошқа хизматлардан фойдаланишга юборилаётганда жабрланганга тегишли қандай маълумотлар ваколатли ташкилотга тақдим этилиши ва қандай маълумотлар маҳфий сақланишини тушунтириш;
- жабрланган шахс йўналтирилаётган ваколатли ташкилот қандай ёрдам кўрсатишини, ким билан боғланиш зарурлигини ва аниқ манзили, телефон рақамларини тақдим этиш сифатли хизмат кўрсатишига кўмаклашади.

2.2. ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ВА ЖАБРЛАНГАН ШАХС БИЛАН ИШЛАШДА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Зўравонлик ҳолатининг муҳокама қилинишида ички ишлар органи ходими:

- ҳар бир зўравонлик ҳолати инсон ҳуқуқлари бузилиши эканлигини ёдда тутиши;
- биринчи таассуротга берилмаслиги, совуқёнлик сақлаши;
- жабрланувчи ва унинг фарзандлари хавфсизлигини таъминлаши;

- ҳар бир зўравонлик ҳолати индивидуал бўлиб, уни илгари кўрилган ҳолат бўйича чиқарилган хуносалар асосида ҳал қилмаслиги;
- зўравон оғир-вазмин шахсдек туюлиши ва ҳамма нарсада жабрланинг чинини айблаши мумкинлигини билиши;
- зўравонлик содир этган шахс билан мулоқотга ва баҳсга кириш маслиги;
- жабрланувчи юзага келган ҳолатга аҳамият бермаслиги ёки уни зўравонлик сифатида эътироф этмаслигини билиши;
- зўравонлик содир этган шахсга унинг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф эканлигини ва жабрланувчи давлат томонидан ҳимояланишини тушунириши;
- зўравонлик ҳолатини ўрганишда барча тафсилотларни синчковлик билан ўрганиш каби қоидаларга амал қилиши зарур.

Зўравонлик содир этган шахс ва жабрланувчи ўртасида низо ва жанжаллар кучайиб кетган ҳолда, ИИО ходими вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиш лозим.



Бунинг учун ИИО ходими:

- зўравонлик субъектларини турли хоналарга чиқишларини сўраши;
- ҳеч бир тарафни ҳимоя қилмаслиги, холис қолиши;
- муаммога юзаки ёндошмасдан, ўз қасбий маҳоратини намоён қилиши;
- вазиятга ва тарафларни назорат қилган ҳолда вазмин ва ўзига ишонч ҳосил қилган ҳолда гапириши лозим.

Жабрланган тараф билан мулоқот қилгандা, ИИО ходими:

- жабрланувчини тушуниши ва унга ёрдам бермоқчи эканлигини билдириши;
- суҳбатни холи ўтказиши;
- бўлган воқеани эркин сўзлаб бериш имконини яратиш, унинг гапини бўлмаслик;
- жабрланувчининг кўзига қараб суҳбатда бўлиб, эътиборни фақат унга қаратиш;
- шунга ўхшаш ҳолатларни ҳал этишда тажриба борлигини билдириш;
- зўравонлик содир этилганлигини инкор этмаслик;
- тўлиқ маълумот олишга ёрдам берувчи очик саволлар бериш, юридик атамалардан имкон қадар фойдаланмасдан содда тилда гапириш;
- саволларни оила ёки жамоа аъзолари, яқинлари олдида бермаслик;
- жабрланувчи бўлиб ўтган воқеада ўз айборлигини билдирганида, унинг гапларига рози бўлмаслик ва қўллаб-куватламаслик;
- зўравон ва жабрланувчини яраштиришга уринмаслиги;
- тазийк ва зўравонликдан жабрланувчиларга мўлжалланган маҳсус марказлар ва қўрсатиладиган ёрдам тўғрисида маълумот бериш;
- зўравонлик жиддий муаммо эканлигини ва қайта содир этилиши мумкинлигини тушунтириши зарур;
- барча олинган маълумот, ҳужжатлар маҳфий қолишини ва тарқатилмаслигини тушунтириши;
- юз берган ҳолат қандай давом этиши мумкинлигини тушантириб, вазиятдан чиқиб кетиш бўйича тайёр маслаҳатлар қўрсатмаслик зарур. Асл ҳолатни фақат жабрланувчи билиб, ўзи тўғри қарор қабул қилиши мумкин;

- етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиши мумкинлиги ва бунинг учун давлат божи тўлашдан озод қилинишини тушунириши;
- тегишли ваколатли органларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологияк ва бошқа ёрдам олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунириш зарур.

Сұхбат давомида айбловчи тусдаги саволлар жабрланувчини янада қўрқитиши ёки муҳим далилларни яширишга таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли қуйидаги саволларни бермаслик керак:

- Нима қилган эдизки, бу киши Сизга қўл кўтарди?
- Сиз яхшимисиз? Бундай риторик саволга жабрланган шахс автоматик равишда «мен яхшиман» деб жавоб бериши мумкин. Кўпинча жабрланувчи шок ҳолатида бўлади ва ўзига етказилган жароҳатлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун жабрланганнинг асл ҳолатини билиш учун унинг ҳолати, тан жароҳатлари ва уларнинг даражасига қаратадиган аниқ саволлар бериш муҳим. Жабрланувчининг ИИО ходимига қанчалик ишониши ва ҳамкорлик қилиши саволлар ва уларни бериш усувларига боғлиқ бўлишини ёдда тутиш зарур.

З-БОБ

**ЗЎРАВОНЛИКНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ҲАМДА
УНИ СОДИР ЭТУВЧИ
ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

3. ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Зўравонликнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларида виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтириш, виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.

Зўравонликнинг виктимологик профилактикаси бўйича ушбу йўналишда фаолият олиб борувчи субъектлар томонидан қўйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

3.1. ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

- фуқароларга зўравонлик факлари ҳақида ёки ўзига нисбатан таҳдид ва тажкузлар содир этиш ҳолатлари юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;
- низоли ҳолатлар ҳамда фуқароларнинг ғайриижтимоий хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларига нисбатан лоқайд бўлмаслик;
- соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни таъминлаш;
- зўравонлиқдан жабрланган шахсларни вақтинча хавфсиз жойда (реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ёки ота-она ёхуд бошқа қариндош-уруғлар олдида) бўлишлари учун уларга қисқа рақамли “1146”-ишонч телефонига мурожаат этиш мумкинлиги ва мавжуд муаммога тегишли ечим олиши ҳақида тушунтириш;



- оиладаги низоли вазиятларни ижобий ҳал қилиш, оила аъзолари ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш ва бошқа оиласавий масалалар юзасидан психологияк ёки ҳуқуқий маслаҳат олиш;
- зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-авторини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, унга нисбатан таъсир чораларини қўллаш мақсадида тегишли ваколатла органларга мурожаат қилишни доимий равишда ўргатиб бориш лозим.

3.2. ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оилалар билан профилактика ишини ташкил этиш;

- хукуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриш;
- маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, хукуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хукуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш;
- ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда хукуқбузардан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;
- хукуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- нотинч оиласларда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- оиласдаги зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;
- хукуқбузарликлардан жабрланганларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда профилактика тадбирларни ишлаб чиқиш;
- оиласдаги зўравонлик билан билан боғлиқ хукуқбузарликларнинг олдини олишга доир дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;
- оиласдаги зиддият ва низоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда мавжуд куч ва воситалардан фойдаланган ҳолда уларни ҳал этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- хукуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш;
- зўравонлик ҳолатлари, уларни содир этган шахсларни ва ундан жабрланганларнинг профилактик ҳисобини юритиш ҳамда бундай маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш;

- зўравонлик ва унинг боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва иштирок этувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш;
- зўравонлик ва унга боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- оиласда фарзанд тарбияси билан шуғулланмаётган ва улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ота-оналилк ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида суд ва прокуратура органларига тақдимномалар киритиш;
- оиласдаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган, улардан жабрланганлар билан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўриш.

3.3. ОИЛАДА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Хотин-қизларга нисбатан содир этилган зўравонликнинг катта қисмини оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ташкил этади. Шахслараро муносабатларнинг нозиклигини, оиласнинг сири маҳфий сақланиши сабабли профилактика борасида ички ишлар органлари ходимидан катта малака маҳорат талаб этилади. Профилактик тадбирларни амалга ошириш учун ички ишлар ходими:

- ҳуқуқбузарлик содир этилган хонадонга бориб, низони бартараф этиш чораларини кўриши;
- оиласда мавжуд бўлган муаммолар ҳамда оиласдаги муҳитни ўрганиб, низони юзага келтирган омилларни аниқлаши;
- ушбу ҳуқуқбузарлик олдин содир этилган ёки этилмаганлигини, оила аъзолари ўртасида олдиндан адоват ёки зиддият мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганиб чиқиши;
- оиласда яшовчи шахсларнинг турмуш тарзи, оила муҳитига таъсир этувчи салбий таъсирлар манбаларини аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши;

- оиласидаги низо, келишмовчилик ва жанжалнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни белгилаши;
- ушбу жанжаллар оиласининг барбод бўлишига олиб келиши, оиласи асрар, унинг мустаҳкамлигини таъминлашда эр-хотин ўзаро ҳамжиҳат, бамаслаҳат иш кўришлари, оиласда мавжуд бўлган муаммоларнинг биргалиқда ечимини топишга ҳаракат қилишларини тушунтириши;
- эр-хотин ўртасидаги жанжаллар оиласда тарбияланаётган фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, яъни уларнинг таълим олишида бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида тушунтириши;
- оиласа эр-хотин ўртасида рашқ ёки хиёнатнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши;
- оила ҳаётига эр ёки хотининг отаси ёки онаси аралашуви, уларни таъсир кўрсатиши каби ҳолатларни ўрганиши;
- аёлга нисбатан бефарқлик, уни тушунмаслик, унга салбий муносабатда бўлиш, хўрлаш, камситиш, ҳақорат ва тухмат қилиш каби ҳолатларни аниқлаши;
- эркакнинг хотинига нисбатан зўрлик ишлатиши, жабр-зулм қилиши мавжуд бўлса, уларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўриши;
- оиласда келинга нисбатан турмуш ўртоғи ва бошқа аъзоларининг муносабатини ўрганиши;
- келиннинг ота-онаси, қариндош-уруғларнинг оиласи ҳаётга аралашуви каби ҳолатларни ўрганиши;
- оиласда келинга нисбатан муносабат, унинг эҳтиёжлари билан қизиқиш, уй-рўзғор юмушларини бажаришда унга ёрдам бериш, уни тушуниш ҳамда оиласининг бошқа аъзолари томонидан келинга нисбатан тазийқ ёки зўравонликлар бор ёки йўқлигини аниқлаши;
- келинга ҳаддан ташқари кўп топшириқлар бериш, кўлидан келмайдиган ёки жисмоний имконияти этишмайдиган ишларни буюриш ҳолатлари бор-йўқлигини ўрганиши;



- агарда қайнонанинг келинга нисбатан зўрлик ишлатиши, жабр-зулм қилиши мавжуд бўлса, уни бартараф этиш бўйича якка тартибда сухбат ўтказиш, ҳимоя ордери бериши;
- тақроран шундай ҳолатлар содир этилса, унда ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олиниши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши;
- эр ва хотин билан якка тартибда улар ўртасида мавжуд муаммолар, ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳақида уларни тартибга чақириш бўйича тарбиявий аҳамиятга молик сухбатлар ўтказади, шунингдек яна шундай ҳуқуқбузарликка йўл қўядиган бўлишса, амалдаги қонунлар асосида уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши лозим.

4. ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Зўравонликни олдини олишда энг аввало ғайриижтимоий хулқатворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактика ишларини ташкил этиш лозим.



Зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар якка тартибдаги профилактикаси деганда — ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти тушунилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси виктимологик профилактика доирасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда асосий эътибор ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган ва ундан жабрланган шахсларга қаратилади.

Зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар тоифасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар;
- ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар;
- зўрлиқдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар.

Зўравонлик содир этган ва содир этишга мойил бўлган шахслар билан:

- умумий;

- **максус;**
- **виктимологик;**
- якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар йўналишидаги ишлар амалга оширилиши зарур..

4.1. ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Хукуқбузарликларнинг олдини олиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган. Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазийиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида хотин-қизларни тазийиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг ҳамкорлиги белгиланган.

Давлат органлари ва муассасалар қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида жиноятларни содир этиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиб, таҳлил қилиб, келгусида содир этилишининг олдини олишга, унга қарши курашиб борасида профилактик чора-тадбирларни қўллади.

Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан зўравонликнинг олдини олиш борасидаги умумий профилактика чора-тадбирлари:

- хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалар томонидан қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларини ўрганиш; таҳлил қилиш орқали тўпланган маълумотлар асосида келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг барвақт олдини олиш; содир этилишини камайтириш, содир этилиши юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш; ушбу ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб мақсадли профилактик чора-тадбирларни режалаштириш ҳамда амалга ошириш мақсадга мувофиқ;



- ички ишлар органлари томонидан жойларда ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан Узбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддасининг 2-қисми ва 183-моддаларида кўрсатилган санкцияси асосида маъмурий жавобгарликка тортилганларни, шу билан бирга ЖКнинг 104, 105, 109, 277-моддалари билан жиноий жавобгарликка ҳукм қилиниб жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқсан ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг оиласи мухити билан танишиш; атрофидаги қўни-қўшниси ва яқин қариндошлари ўртасидаги ўзаро муносабати зиддиятлашганларни аниқлаб, улар билан якка тартибдаги ёндашув асосида профилактик сухбатларни ўтказиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар муҳокамасини

Хотин-қызларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишнинг умумий чора-тадбирлари

	Давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш
	Тазийқ ва зўравонликнинг сабабларини ўрганиш ва баҳолаш
	Аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш
	Статистик ҳисоботини юритиш ҳамда уларни давлат статистика органларига тақдим этиш
	Фуқароларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш
	Тазийқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлашнинг самарали ҳуқуқий механизmlарини жорий этиш
	Тазийқ ва зўравонликка мойил ёки уни содир этган шахсларга нисбатан олдини олиш чораларини амалга ошириш
	Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш
	Тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишига мойил бўлган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш
	Айборларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш

ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини қўриш;

- аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш бўйича фуқароларнинг фаоллигини оширишга йўналтирилган тушунтириш ишларини ташкил этиш;
- маҳаллада яшовчи аҳолининг орасида узоқ давом этиб келаётган оиласвий келишмовчиликлари шунингдек, ёшлар тарбиясига масъулитсиз муносабатда бўлиб юрган ота-оналарни, қўшнилар ва қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликларни аниқлаш, бу ҳақда тегишли ваколатли орган ва ташкилотларга хабар қилиш.

Жиноятларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни ЎзР МЖТКнинг 313-моддаси ва ЖПКнинг 296-моддасини қўллаб суринтирувчи, терговчи томонидан келгусида жиноятларнинг олдини олиш

борасида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига тақдимномалар киритади. Агарда тақдимномаларда келтириб ўтилган вазифалар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, кўрсатилган муддатларда ҳал этилмаса киритилган тақдимномаларнинг ижроси учун жавобгар бўлган масъул шахсга нисбатан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4.2. ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МАХСУС ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Хукуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қўпинча қriminogen ва оператив вазият оғир бўлган ҳудудларда ҳамда хукуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил шахсларга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириклар асосида амалга оширилиши билан ўзига хос хусусиятга эгадир.

“Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг

24-моддасида хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги хукуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хукуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти хукуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳисобланади.

Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш борасидаги махсус профилактика чора-тадбирлари:

- илгари судланган шахслар ўртасида хукуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- спиртли ёки гиёхвандлик воситалар, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида хукуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикаси.

Зўравонликнинг олдини олишни тақомиллаштириш ўналишлари:

- ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман, шаҳар ҳудудида яшовчи илгари судланган шахсларнинг орасидан жамоат тартибига, шахснинг манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларни содир этишга мойил бўлгандарни аниқлаш, уларни профилактик ҳисобга қўйиш орқали доимий тартибда уларнинг хатти-ҳаракати ва оиласвий муҳити билан танишиб бориш;
- ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, содир этиладиган безорилик, қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятлари натижасида қrimиноген вазияти оғирлашган туман, шаҳарларнингхудудида “Турмуш”, “Фамхўрлик”, “Хонадон” каби маҳсус профилактик чора-тадбирларини ўзига берилган ваколат доирасида амалга ошириш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан кенг жамоатчиликни жалб этиш орқали оила-турмуш доирасида юзага келадиган муаммоларни, зиддиятларни ва содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган маҳсус чора-тадбир сифатида “Зўравонлиқдан ҳоли хонадон”, “Зўравонлиқдан ҳоли маҳалла” номли профилактик акциясини туман, шаҳар ҳудудида ўтказиш;
- қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг 47,8% фоизи асосан соат 18:00 дан 23:59 гача бўлган вақт оралиғида энг кўп содир этилишини инобатга олган ҳолда жамоат жойларида, маҳаллаларнинг ички кўчаларида ва ижтимоий муносабатга кўп киришиладиган жойларида жамоатчилик фаолларидан ташкил топган “Тунги гуруҳ”ларни жалб этиш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан туман, шаҳар ҳудудида ҳар ҳафтада ўтказиладиган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”да давра сухбатлари, маърузалар орқали аҳолига тушунтириш, улар-

НИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ;

- қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларини таҳлил қилиш натижасида, бу жиноятларнинг 79,4 фоиздан 92,4 фоизгача вақтинча ишсизлар ва мавсумий ишчилар томонидан содир қилинганлигини инобатга олган ҳолда, аҳоли орасидан доимий ишга эҳтиёжманд қатламини аниқлаш, уларнинг маълумот даражаси, илгари фаолият юритган қасбини инобатга олган ҳолда жойларда “Меҳнат ярмарка”ларини ўтказиш борасида самарадорлигини ошириш ва оиласвий тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб қилишни янада жадаллаштириш:
- туман, шаҳар худудида яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласлар, ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракат содир этишга мойил бўлган вояга етмаган шахсларни аниқлаш; ўқитиш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш; вояга етмаганлар билан ишлашда уларнинг ўзига хос хусусиятларни инобатга олиб якка тартибдаги ёндашувлар асосида ишларни ташкил этиш мақсаддага мувофиқ.



4.3. ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ЯККА ТАРТИБДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасига асосан хукуқбузарликлар профилактиказини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан қуийдаги **якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни ваколат доирасида ўтказилиши белгиланган. Жумладан:**

- профилактика сухбати;
- расмий огохлантириш;
- хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берәётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат.

Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасида хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларнинг қуийдаги тасвирида кўрсатилган турлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон Қарори билан “Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Низомнинг 10-бандига кўра, профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида:

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турлари

ПРОФИЛАКТИКА СУҲБАТИ

Тазийқ ва зўравонлик ҳолларини аниқлаган ваколатли орган вакили томонидан тазийқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан ўтказилиди



ҲИМОЯ ОРДЕРИ

Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, таъсир кўрсатиш чоралари кўлланилишига сабаб бўладиган хужжат



ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА МАХСУС МАРКАЗЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИШ



Зарур мoddий, ҳуқуқий, ижтимоий, психологияк, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш

ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРНИ ҮЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРЛАРИДАН ўТИШ

Руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуудидан иборат



- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтказади;
- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазийқ ва зўравонлик содир этилишининг қелиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганади;
- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Ҳимоя ордери амал қилиши даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиши муддати жабрланувчининг аризасига кўра кўпич билан ўттоз кунгача узайтирилиши мумкин.

Ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда ҳимоя ордери берилгани ҳақида тегишли туман (шахар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шахар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) бошлиғини хабардор қиласи.

Профилактика инспектори **беш иш куни** мобайнида:

- ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида жабрланувчининг аризасини, шу жумладан, хавф бартараф этилган ёки этилмаганлигини ўрганади;
- ушбу масала юзасидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг фикри (хулосаси)ни олади;
- ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан тўпланган маълумотларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйими бошлиғига киритади.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (кatta) инспектори зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтишини ҳимоя ордерида белгилаб, тузатиш дастуридан ўтuvчи шахсга имзо қўйдириб танишитиради.

“Тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандига кўра, профилактика инспектори тузатиш дастуридан ўтuvчи шахс ҳақидаги маълумотларни 24 соат ичидан хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисга тақдим этади.

Ваколатли орган ва ташкилотлар тузатиш дастуридан ўтuvчи шахслар билан ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни фуқаролар йиғинига юборади.

4.4. ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ВИКТИМОЛОГИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

1. Виктимологик профилактика нинг умумий чора-тадбирлар:

- ушбу турдаги жиноятдан жабрланишнинг сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бу борада юзага келган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларидан жабрланиш ва зиддиятли вазиятни келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракатлардан сақланиш тўғрисида аҳолига тушунтириш ишларини олиш бориш;
- қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг ўчоғи бўлган ҳудудларни аниқлаш ва ушбу жойларда мунтазам равишда умумий профилактик чора-тадбирларни ўтказиш ;
- ўзига нисбатан тажовуз юзага келганида зарурий мудофаа ва охирги зарурат сифатида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан кенг тарғибот қилиш кабилар тавсия этилади.

2. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган виктимологик профилактиканинг якка тартибдаги чора-тадбирлари:

- жиноятдан жабрланишга мойил бўлган ёки жабрланган шахсларни аниқлаш, уларнинг рўйхатини шакллантириб бориш ва улар билан доимий равишда профилактик сухбатлар ўтказиб бориш;
- виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар билан сухбатлар давомида уларга қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг содир этилиш усууллари, келиб чиқадиган (моддий, маънавий, жисмоний) заарлар тўғрисидаги маълумотлар асосида уларни огоҳликка чақиришга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш;
- жабрланишга мойил бўлган ёки жабрланган шахсларга ўзини ўзи мудофаа қилиш усууллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш борасида якка тартибда профилактик чора-тадбирларни ўтказиш. Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тазиيқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни доимий равишда изчил амалга ошириш содир этилаётган зўравонликнинг камайишига олиб келиши аниқ

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини тугатиш тұғрисидаги конвенция 1979. <http://taraqqiyot.uz/hotin-izlar-uulari-kamsitil>.
2. 46. Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенция 1989. <http://taraqqiyot.uz/bola-uulari-trisidagi-kon>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <http://www.lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>
6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикасы тұғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оиласый-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизими такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПҚ-3827-сон қарори // URL: <http://www.lex.uz>
9. 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизларни тазыйқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тұғрисида» Қонуни;
10. Астанов И. Р. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноялар ва уларни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари: Ўқув қўлланма. –Т., ТДЮУ, 2015. – Б. 139.
11. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б. 163;

12. Предоставление услуг полиции, часть межведомственного реагирования на гендерное насилие. Стандартные оперативные процедуры. 2015/ UNFPA, East European Institute for Reproductive Health
13. Мухторов Ж. С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: юрид. фан. номз. дисс-я. – Т., 2009. – Б. 114;
14. Морчев И. А. Виктимологические аспекты предупреждения насильственных преступлений совершаемых в семье: афтореф. дис. кан. юрид. наук. – Краснодар. 2009. – С. 13.

Зўравонлиқдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
ва зўравонликнинг олдини олиш
Услубий қўлланма

Муҳаррир: У. Раджабова
Компьютерда тайёрловчи: А. Холматов


Нашриёт лицензияси AI № 263 31.12.2014
Босишга руҳсат этилди 10.01.2020 й. Бичими 60x90 1/16
“Myriad Pro” гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Босма табоғи 4,0.
Адади 1500 нусха.

“BAKTRIA PRESS” МЧЖ Нашриёт уйи,
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25
тел.: +998 (71) 233-23-84

“MEGA BASIM” босмахонасида чоп этилди

ISBN 978-9943-6232-5-5

ISBN: 978-9943-6232-5-5



9 789943 623255